


Саудиялик олим кўзи ожизлар учун электрон мусҳаф кашф этмоқда



11:03 / 14.06.2019 1950

Кўриш қобилияти чекланган инсонлар ҳаётда кўп қийинчиликларга дуч келишади. Бу, ҳатто, Қуръон ўқиш каби диний амалларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги замонавий технология тараққиёти самараси ўлароқ, саудиялик ихтирочи Машъал Ҳарасоний кўзи ожизларга Қуръони каримни ўқишни осонлаштирувчи рақамли мусҳаф устида ишламоқда. Бу ҳақда Arabnews нашри хабар беради.

Машъал Ҳарасоний Қирол Абдулазиз Университетида маслаҳатчи бўлиб ишлайди. У 13 ёшидан буён турли ихтиролар қилиб келган, ҳозирда унинг 50 дан ортиқ ижтимоий-гуманитар соҳадаги ихтиролари бор.

– Навбатдаги кашфиётим «электрон доска» бўлиб, унда 28 белги бор, – дейди Ҳарасоний. – Ҳар бир белги олти брайл ҳарфини ўз ичига олади. Досканинг бир саҳифасида 28 қатор бор. Кўриш қобилияти чекланган инсонлар унинг ёрдамида Қуръонни осонгина ўқишлари, саҳифалар ичидан излашлари мумкин. Унда Қуръон тўлиқ жойлаштирилган.

Машъал Ҳарасоний рақамли Қуръоннинг аҳамиятини шундай тушунтиради: «Кўзи ожизлар учун Қуръонни брайл ёзувида олти катта жузли китобдан ўқишади. Бу уларнинг бирор оят ёки сурани топишларига қийинчилик туғдиради. Ўлчамлари катталигидан уларни олиб юриш ва жойлаштириш ҳам осон эмас».

Ҳарасонийга бундай қурилмани ясаш фикри Мадинадаги Қирол Фаҳд Қуръони каримни чоп қилиш, имконияти чекланганларга Қуръон ўқитишга бағишланган семинарда иштирок этиш учун келганида туғилган эди. Ҳозирда унинг ихтиро устида иш олиб бормоқда ва уни қарийб бир йил ичида якунлаши режалаштирилган. Ҳарасонийнинг сўзларига кўра, унинг ишчи жамоасининг бир қисми кўриш қобилияти чекланган инсонлардир.